

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА



БУЕФИ ҚИШ...

Абдул Ғани ЖУМА сурати

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:



МУҲАММАД ОЧИЛ:

ҚАЛАМ АҲЛИГА ҚАСИДА

АЗИЗ АБДУВАЛИ:

ШУҚУР БУРҲОННИНГ  
БЕВАСИ

УСТА ОЧИЛ ҲАЗРАТ:

ТҮЙГА АЙЛАНГАН  
ЖАНОЗА

Ф СП-1

Алоқа вазириятини «Матбуот уюшмаси»  
«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» 64654  
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)  
газетига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в.	жойи

64654

(нашр кўрсаткичи)

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги ман-			сони
вилга			
юбориш	баҳоси	сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

## ЎЗИМНИ КЕЧИРОЛМАЯПМАН

Бу ҳақда ёзиш керакми? Сарлавҳа қўйдиму, ўйланиб қолдим. Охири «ёзиш шарт!» деган қарорга келдим... Токи ўйламасдан гапирётган айрим ҳаёсиз кизлар ўзларининг тубанлашиб бораётганларини билиб олсинлар. Баъзан ўйланиб қоламан. Яшашимиз учун ҳамма нарса етарли бўлса. Қорнимиз тўқ, устимиз бут. Лекин борган сари одамларнинг бир-бирига бўлган ишончи, севги-муҳаббат деган сирли туйғулар, меҳр-оқибат йўқолиб бораётгандай.

Одий бир воқеа: тунов куни хизмат билан Қашқадарёга борганимда «Қарши-Косон» автобусига чиқдим. Ўриндиқлар ўртасидаги йўлакча ҳам йўловчилар билан лиқ тўла. Ҳамма ўзи билан ўзи овера. Лекин мени сал орқароқдаги ўриндиқда ўтирган қизнинг хатти-ҳаракатлари ажаблантирди. У ёнида ўтирган йигитнинг қўлларидан ушлаб ўзи томон тортар, юзларидан силаб-

сийпалаб қўярди. Автобусда гўё иккисидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳатто ишонмайсиз йигитнинг ўнг юзидан ўпиб ҳам қўйди. Уларнинг ёнгинасида қўлтиқтаёқда бир ногирон йигит тик турар, унга жой бўшатиш «ошиқ-маъшуклар»нинг ҳаёлига ҳам келмасди. Бу ғайритабиий ҳолатни кўриб турган бошқа бир йўловчи чидаб туролмади, йигитни таниркан шекилли, ҳалигиларга қараб жаҳл аралаш:—Шу бола Афғонистонда ногирон бўлган, жой берсаларинг куйиб кетмас» деди, улар бепарво, ҳаммани оғзига қаратиб:

«Нима кипти, битта уми Афғонистонда хизмат қилган»—дея жеркиб ташлашди. Бефаросат қизнинг бу гапларини эшитган йигит бўшашиб ўтириб қолди. Йўловчилар жим. Биров томошабин, бошқаси дарди ичида. Охири нима билан тугашини кутарди. Мен эса жаҳлдан ғазабимни босолмадим. Ҳазабдан титраб кетдим.

Урмоққа кўтарилган қўлимни зўрға тийиб, яқин қолган бекатга тушмасам-да, ўша «аффон» йигитни жирканч икки совуқ башаранинг олди-дан секин суяб олиб тушиб кетдим. Шу куни ҳамма зарур ишларимни йиғиштириб, у билан айланиб, суҳбатлашиб юрдик. Сўнг кечга яқин хайр-хушлашдик. Унинг кайфияти бироз кўтарилгандай бўлди. Биз бир-биримиз билан жуда яқин бўлиб қолдик.

Шундан бери кўп кунлар ўтди. Бу кун ҳеч эсимдан чиқмайди. Табиатан тезлигим ва ўша пайтда нега ўзимни босганимни ҳалигача ҳеч кечиролмайман. Барибир улар индамаганимиз учун... ахир шундайларни эркатлатиб-эркатлатиб, кечириб бугун шу жавобни олмадикми? Сиз нима дейсиз азизлар!.. Айтинг!..

Хувайдулло РОЗИҚОВ,  
Қарши.

## ЕТТИ КУН

## «ТЕКИНГА» ПУЛЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги «спиртли ичимликлар» дўконидан бирида бўлган савдо ҳаммани ҳайрон қолдирди. Сотувга чиқарилган «водка» ароғи харидорларга «текинга» пулланди. Баҳоси 640 сўмлик ароқни 750 сўмдан олган оломон тилда топган тентакдек уй-уйига тарқади.

## «УЙЛАНАМАН, ФАҚАТ ХОРАЗМЛИККАМАС»

Қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунда Хоразмнинг «қалини» ҳалигача йигитларни зириллатиб турибди. Яқинда таҳририятимизга келган хоразмлик бир йигит уйлана олмай юрганидан нолиб, ёрдам беришимизни сўради. «Фақат хоразмлик бўлмасин, йўқса уйланоламан» дейди эндигина 25 га кирган йигит.

## ШИРКАТ ДЎКОНЛАРИДА

Бужмайган бир кило анорнинг баҳоси 950 сўм. Ҳосилнинг чўгини ҳисобга олмай, бироз шошилишган ширкатчилар тажани аҳволда анорларини томоша қилиб ўтиришибди.

## БОЗОРДА АРЗОН

Тошкент бозорларида бу йил ёмон анорнинг ўзи йўқ. Энг сара анорнинг kilosини 700, бундайроғини 400 сўмга харид қилишингиз мумкин.

## ҲҲЛИ-ҚУРУҒИ БИР

Узумнинг эса «ҳўли-қуруғи»нинг баҳоси тенглашиб қолди. Майзининг ҳам, узумнинг ҳам олди — товланиб тургани kilosини икки ярим минг, унча бозориги бўлмагани эса бир ярим минг сўмдан кетмоқда.

## БУ ЙИЛ

Сабзининг аҳволи чатоқ. Олди бир юз йигирма, арзони саксон сўмдан кетмоқда. Дарвоқе, ўтган йили ошиғи олчи бўлган сабзичи деҳқонлар «пиёзчи» ҳамкасблари ачиниби-ачиниб қараб қўйишган эди. Маслаҳатимиз, класи йили сабзи экинг... Янаям ўйлаб кўринг.

## ...ЖАҲЛИ ТЕЗ ЭКАН

Бўлғуси бекаси ҳузурига борган эркак бурнидан айрилиб қолди. Рост гап, нақ бурнидан... Нега дейсизми! «Фариштагина» аёл қўпол эркакнинг панжасидан кутулишининг бирдан-бир йўли унинг бурнини тишлаб, узиб олиш дедию, шу ишни қилди. Яхшиям, жарроҳлар бор экан, бурун ўз жойини топди.

## ЙЎЛИМИЗ ЯҚИН

Кўкдаладан нақд 50 чақирим узокликда жойлашган Чироқчи шаҳрига автобус «сув текин» қатнамоқда. Бор-йўғи 70 сўм тўласангиз бас, қолган харажатларни қоплашни хўжалик ўз зиммасига олган. Дарвоқе, хўжалик раҳбарияти Кўкдала аҳолисига эҳтиёжига қараб ғалла ҳам тарқатмоқчи. Ҳозирги шаронда бундай саховат кўрсатиш ҳам мардликда дейишмоқда одамлар.



**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!  
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА  
ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штампели, албатта бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!**

Рўзнома ва ойномаларга обуна varaқасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна varaқасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

ТҲЙ ТҲЙГА УЛАНДИ

Яқиндагина шахримизнинг 35 йиллик тўйини нишонлаган ҳамшаҳарларимиз куни кеча яна бир катта шодиёнанинг гувоҳи бўлишди.

Навойи шаҳрида яшаётган Ашим ака Балатовлар хонадонининг довуғи эндиликда фақат вилоятимизда эмас, балки республикамизда ҳам маълумдир. Ашим ака турмуш ўртоғи Людмила хоним билан биргаликда улкан савоб ишга бел боғлаб ўн икки нафар турли миллатга мансуб болаларни тарбиялаётганига ҳам ўн йиллардан ошиб кетди. Бу даврда, айниқса, Людмилахоним бу болаларнинг не-не харашаларини, қанчадан қанча қувончларини кўрмади, дейсиз! Беморлигида тонггача киприк қоқмасдан юрак ҳовучлаб, бошида термулиб чиқди. Болалар кўчадан ўйнаб-қўзнаб келганида улар билан бирга яйради...

Болакайларнинг бўйи бугун ўзлари билан тенг келиб турганини кўриб, бу икки жафокаш инсоннинг қувончи чексиз. Айниқса, фарзандлари Серик билан Олганинг бир-бирига муҳаббат қўйганини сезишганларида ҳар иккала-

сини ҳам чексиз ҳаяжон қамраб олган эди. Серик билан Олганинг никоҳ тўйига кичкинтойлардан Рустам, Руслан ва Мишаларнинг суннат тўйлари ҳам қўшилди.

Бу тўй бутун маҳалланинг, бутун Навойи шаҳридагиларнинг тўйига айланиб кетди. Мичурин кўчасидаги 31-уйда яшовчи Ашим аканинг қўшнилари бу тўйга алоҳида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Булар билан биргаликда шаҳар Маориф бўлими ходимлари, Вилоят Болалар жамғармаси ходимлари хизмат қилдилар. Шаҳардаги ҳар бир корхона ва муассасалардан меҳмонлар келишди. Ҳовлида созандаларнинг хуш овози янгради. Ҳамма рақсга тушди. Дил сўзларини изҳор этаётган меҳмонларнинг ҳам, қўли қўлга тегмай хизмат қилаётган мезбонларнинг ҳам юрак қаридан бу икки улғу инсонга Ашим ака ва Людмила хонимга чексиз ҳурмати сезилиб турарди.

Нозик ҚҲЗИЕВА  
Навойи вилоят Болалар  
жамғармаси раисининг  
ўринбосари

«Киз бола улгайиб вояга етгандан кейин қийин бўларкан. Уйингда сен таниган ва танимаган меҳмонларнинг кети узилмайди. Биринсига у дейсан, бунисига бу дейсан, хуллас баҳона билан алдаб-сулдаб ота-онанга норозилигини билдирасан. Сени олдинда нима (ким)

Хаммаси мана шу йилдан бошланди. Галабалар таътилли бошланган пайтлари ҳамма қатори мен ҳам уйга бордим. Ҳалигача совчиларнинг кети узилмаган эди. Ва ниҳоят бахтим ҳам очиладиган бўлди.

Ота-онам сенинчларини сиздира олмасди, уларни кў-

олмасдан шунақа сўкиб кетдики, киз бола бўлиб бунақа гапларни биринчи эшитишим эди. Ҳеч нарса тушунмасдан ланг қотиб қолибман. «Сенга эр керакмас экан, нега олдинроқ айтмадинг, сенга тилла керак...» деб ўғилболачасига олди.

Мен ўша кунни ўзимни кўй-

қизим бўлса, тузукроқ юбор, камайиб қолдимми?..» Мен эса анграйданча нима қиларимни билмай қоландим, на йиғлашни, на кулишни, бир нима дейишим қийин эди.

Менга энди ҳаммаси аён эди. Онамнинг қолган гапларини тинглашнинг ҳужоғати қолмаган эди. Онам мени

Мен ўқишимни тугаллаб, ўзимизнинг қишлоққа ишга жойлашдим, мenden кичик икки укямни уйладик, шу тариқа орадан вақтлар ҳам ўтди. Менга энди болалари бор эркаклардан совчилар кела бошлади, ёки бўлмаси ногиронроқ киши бўларди. Мен буларга кўнкулмадим. Охири икки болали эркак билан умримни ўтказмоқчи бўлиб, турмуш қурдим. Болалар ўзимники бўлмасида, бор меҳримни бердим. Бу орада яна бир фарзандли ҳам бўлиб олди. Лекин мени бахтдан қисган эканми, ТАҚДИР шуларни ҳам кўп кўрди. Касаллик туфайли турмуш ўртоғим вафот эди. Яна мен ота-онамнинг олдига боришга мажбур бўлдим. Энди онам шидан қайтарканмен дарров: «сенинг бахтсизлигинга сабабчи бўлдим кизим, мени кечира оласанми-кан, мени бойлик есин жоним болам, бўлмаси ўз қизимнинг бахтини ўзим боғлармидим, нима етмовди-я менга» деб йиғлашдан нарига ўтмайдилар. Мен эса нима қилишимни билмай ёш болам билан шунини ўтираман. Бошқа нима ҳам қилишим мумкин. Ҳаётда менинг тақдирим шундай яралган бўлса».

## САРПОСИДА ТИЛЛОСИ ЙҶҚ...

куятпти, афсус, билиб бўлмас экан. Ҳар доим ҳам шундай совчилар келаверади деган хаёл билан кунлар ҳам ўтиб кетаркан.

Мақтабни битирганимдан кейин ўқишга бормоқчи бўлдим. Биринчи йили бахтим чопмади. Келаси йил учун тайёргарлик кўришим керак деган умид билан ўзимизнинг қолхозда ишлади бошладим. Ҳар қалай ишлади деган имтиёз керак-ку. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, иккинчи йили доришунослик олийгоҳига киришга муяссар бўлдим. У кунларда мenden бахтли киз йўқ эди.

Ўқиган қизга қийин, уйга икки, уч ойда бир келиб кетаману, ҳар келишимда кимнидир менга таклиф қилишарди. Мен эса рад жавобини бера олмасдим, ҳар қалай мени ўқитяпти, ўзлари яхшироқ кўёв танлашди деган мақсадда ўзларингиз биласизлар дейишдан нарига бормасдим.

Ота-онам эса мени ўқишимни битирсин ёки ҳали ёш, катта қизимиз деган баҳоналар билан келганларни уздириб юборарди. Шулар орасида учинчи курс ҳам бўлиб олдим.

риб ўзим ҳам жуда хурсанд бўлиб кетдим. Онам ҳар икки гапнинг орасида «қизим, бахтинг очиладиган бўлди-да, кўнглимдаги жойдан чиққанини айтмайсанми, ишит ўқимишли, бой-бадавлат nasib бўлса сенинг орқангдан бизлар ҳам керилиб юрадиган бўлдик» дерди. Мен уялаганимдан жимгина ташқарига чиқиб кетардим, ё бўлмаси ерга қараб ўтираверардим.

Таътилим ҳам ниҳоясига етиб, яна ўқиш билан Тошкентга келдим. Ишит ҳам студент, биз бир жойда бўлганимиздан кейин учрашиб турадиган бўлдик.

Шу тариқа, орадан бир ойча вақт ҳам ўтай деб қолган эди. Нимагадир ундан ҳеч қандай дарак бўлмади. Бир кунни ўзимча мен ҳеч қачон излаб бормаганимга хафа бўлгандирда деб хонадошимни эргаштириб кўриб келмоқчи бўлдим. Унинг эшигини тақиллатаман дейманда, нимадир менга йўл бермагандек туюлди. Майли нима бўлса бўлди дедим, эшикни секингина тақиллатдим, унинг ўзи очди, мени кўриб нимагадир ранги ўзгарди. Саломимни

диган жой тополмадим. Ётоқхонага келганимча йиғлаб, уч кунгача касал бўлиб, етиб қолибман. Кейин касал ҳолига қарамай курсдошимга илтимос қилиб, билет олиб келтирдимда, уй томон йўл олдим. Поёзда кетаяпману хаёлимда бунчалик хўрлангандан кўра бу дунёдан эрсиз ўтиб кетсам маъқул эмасми, уйдагиларимга эса ўзим яхшилаб тушунтираман. Тўйни қолдирмасам барибир келажакда у билан бахтсиз бўлсам керак, деб ўйлаб кетардим. Шу пайтда мени бир нарса жуда қийнади; қандай қилиб уйдагиларга айтаман...

Уйга кириб келганимда ҳайрон қолдим: ҳеч ким нимага дарров қайта қолдинг деб ҳам сўрамасди. Кундуз кунни, ҳамма ишга кетган, онамнинг олдиларига келдимда бор гапни апириб бўлмасимдан чидай олмай йиғлаб юбордим. Онам эса бағрига босиб, «қўй қизим йиғлама, ҳали сен ёш, бундан яхшиси топилади, улар қурумсоқ оила экан, бой бўлмай ўлиб кетсин, сарупосида тилласи йўқ, бўлмағур исқирт нарсалар билан мақтанганига ўлайми, биринчи

бойликка алиштирмоқчи бўлганлар, эҳ, қандай даҳшатли.

Бу воқеадан кейин ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим, лекин жон ширин, келажак эса яна бир бахтни менга етаклаб келадигандек туюлганди. Онам жуда бойликка қизиққан аёллардан бўлгани мени бир умрга бахтсиз бўлишимга сабабчи бўлди.

Орадан йиллар ўтди, энди эса қизининг қўлини ҳеч ким сўрмай қўйди. Оиламиз тўғрисида гап кетадиган бўлса дарров одамлар тилланг борми, бор бўлса одамнинг қўй. «ТИЛЛА ҚИЗ» ига дейдиган бўлишди.

### СУНГИ СЎЗ:

Бу аёлни кўпдан бери танийман. Мақолани ёзишга ундаган ҳам унинг ўзи. «Ёзганингиз бошқа ота-оналарга ҳам сабоқ бўлар. Фарзандларнинг бахти зар-тилопарга эмас, кўнглидаги одамнинг топишга боғлиқ эканлигини тушуниб етишар»,— дейди у. Мен аёлга берган ваъдамда турдим. Бу воқени ўқиб, хулоса чиқариш эса ўқувчиларга ҳавола.

Олим БЕКНАЗАР

## • БОЛАСИЗ АЁЛ •

Билиб турибман бу сўзни эшитибок галати бўлиб кетдингиз. Ҳатто раҳми ё шафқат қилибми, ачишиб ҳам қўйдингиз. Нетай, пешонамга ёзилган экан.

Сизнинг фарзандингиз бор— катта дунёнгиз бор. Болаларни кўп аёл охиратда энг суюкли ва гўзал аёлдир. Ва ҳар бир уй бекасининг ин бахти ҳам шунда. Мен ҳам Сиздек бахт маликаларига доим сизнингиз келади. Фақат менинг кўзларимга тик боқманг. Қаролмайман.

Биласизми, никоҳсиз бола тугиб чақалоқларини болалар уйларига, энг даҳшатлиси ахлатхоналарга ташлаб кетаётганлардан мен нафратланаман. Ана шуларни ўйласам, Яратган эгамдан ўқиниб кетаман.

Эҳ, Сиз эса жажжингизни ухлатолмай хунобингиз охиш, жарангдор йиғисидан безорсиз. Гоҳ ўзингизни тўтолмай миттиганини койишсиз. Оҳ... зинҳор койиманг. Ахир у сизга эрқаланиб йиғламаса, кимга йиғласин? Менинг кўнглимга бола йиғиси қўй, армон бўлиб қўйилаверганини билсангиз эди... Билманг ҳам.

Фарзандингиз Сизга эрқаланиб келади. Унинг чучук тил эрқаланишидан кўнглингиз тоғ каби юксалади. Олам гўзал бўлиб кетади.

Сиз уйқудан қизарган кўзларингизни зўрга очиб ташини ҳўл қилиб қўйган кичингизни уришасиз. Менинг ҳали уйғонмаган оналик меҳру муҳаббатим уйқумни ўғирлайди. Худди гўдагини аллалаб ухлатаётгандек ухлаб қолган эримни елкасига беихтиёр уриб туғганимни ўзим ҳам сезмайман. Кўнглимнинг тубида жаранглаётган ала сўзлари вужудимни тилкалайди.

Болангиз гапингизга қўлоқ солмай ҳамма нарсаларини сочиб, саришта уйни тўзатиб ташлайди. Айниқса, қўғирчоқларини севади. Мен ҳам... Сиз болангизни кўча-кўйда қўғирчоқдек кийинтириб олиб юргангизда мен уни сўйиб-сўйиб бағримга босгим келади.

Кўчадан келсангиз ширинингиз «Менга нима олиб келдингиз?» деган савол билан қарши олади. Мен эса

шу савол билан эримни. У синиқ жилмайиб кафтидогани узатади. Йиғилган қурт, қанд-қурсларни сандиқчамда ҳамон йиғиб келаман. Сиз дўконма-дўкон юриб болангизга кийим-кечак танлаётганингизда мен ул жойлардан секингина хўрсиниб ўтиб кетаман. Қўғирчоқ танлаётганингизда мен ҳам нима ниҳор сотиб олгим келади. Бироқ...

Минг бора ўтинчим, Сиз боласиз аёл олдида шаддод ё шўҳ гўдагингизни урманг, қармаманг.

Яна битта ўтинчим, улар олдида фарзандингизни суйиманг, қаттиқ эрқалатманг. Булар унга таъна бўлиб туюлишини билсангиз эди. Айтолмайман.

Азизларим, агар бу сўзларим сизларга оғир ботган бўлса минг бор узр. Нима қилай, буларнинг бариси кўнглимнинг туб-тубида яширин. Сизга айтдим.

Ойгул УБАЙДУЛЛО кизи



РАЛЬБЕКОВ сурати

## БИЛҚИС ҲИКОЯТИ

Ривоят қилишларича, Билқиснинг отаси одам, онаси паризод эди. Отаси офтобга сифинувчилар мамлакатида подшо бўлган. Узоқ саргузаштлардан кейин Билқис вафот этган отаси ўрнига подшо бўлди. Бир куни Билқис давлат арбобларини жамлаб, шундай деди:

— Менга бир тахт ясашиб берсангиз. Ҳеч бир подшо бундай тахтдан кўрмеган бўлсин. Кейин бир иморат курингларки, бундай иморат ҳам ҳеч ерда бўлмасин.

Мамлакат улуғлари ва уламолари кенгаш қилиб, мармар тошлардан улкан айвон ва саройлар барпо этдилар. Тошларни бир-бирига шундай уладиларки, узоқдан бирдек яхлит кўринарди. Деворлару шифтлар лаъл, ёкут, забаржад, маржон ва марваридлар билан безатилган олтин, қумуш сувлари билан нақшланган эди. Билқиснинг мамлакатида ўн минг лашкар-бошиси бор эди. Уларнинг ҳар бири ўн икки минг паҳлавонга сардорлик қилар эди. Тўрт юз подшо унга тобе эди.

Худхуд бир куни ҳазрат Сулаймон ҳузурда Билқиснинг ҳусну жамоли, шон-шавкатини таърифлади. Ҳазрат Сулаймон дедилар:

— Агар сўзинг рост бўлса, мен унга мактуб ёзай, сен олиб бориб жавобини ола кел.

Ҳазрат Сулаймон мактуб ёздилар. Унда шундай сўзлар бор эди: «Худои таолонинг улуғ исми билан айтманки, мен Сулаймон пайғамбардирман. Мағриб<sup>1</sup> дан Машриқ<sup>2</sup> қача подшоиман. Ҳамма инс-жинс, дев ва парилар менга бўйсундилар. Агар келиб бош эгмасанг, лашкар юбориб мамлакатингни хароб қиламиз, ҳазина ва дафиналарингни ўлжа қилиб оламиз».

Худхуд мактубни олгач, йўлга равона бўлди. Бир неча кундан кейин Билқис яшайдиган Сабо шаҳрига етиб борди. Билқис маҳрамхонасида ухлаб ётган эди. Худхуд хатни унинг кўксига қўйиб, ўзи дераза ёнига қўниб турди. Билқис уйғониб хатни кўргач, очиб ўқиб бошлади. Сўнгра Худхудни кўриб қолди. Худхуд ҳазрат Сулаймон ҳақида гапириб берди. Билқис ўз аёнларини қақриб, маслаҳат сўради. Улар шундай деди:

— Биз ҳаммадан кучлироқмиз. Аскаримизнинг сон-саногини йўқ. Хоҳласангиз жанг қиламиз, агар итоат қиламиз десангиз ҳам розимиз.

Билқис айтди: — Агар у шундай улуғ подшо бўлса, биз унга қарши борсак, яхши бўлмайди. Мамлакатда хунрезлик бўлиб, азизлар хор, хорлар азиз бўлади. Биз унинг пайғамбарлигини имтиҳон қилиб кўрайлик. Агар сўзлари рост бўлса, имон келтираймиз.

Бу сўз ҳаммага маъқул бўлди. Шу заҳоти жавоб мактуби битишга кўрсатма берди. Хатда шундай сатрлар бор эди: «Эй, Сулаймон пайғамбар, сизнинг муборак мактубингиз келиб тегди, биз ҳам элчи юбордик. Сизнинг пайғамбарлигингизга ишонишимиз керак. Шунинг учун бир бутун инжу, бир тешилган инжу, беш юз дона олтин товоқ, беш юз дона қумуш товоқ, жавохиротлар билан безатилган тож, беш юз қозон, юзи никобли беш юз қул, беш юз қанзақ, элликта қулунли ва элликта қулунсиз бия Рафи деган вазирамин ва унинг қизи Табъни юбордим. Тешикли инжуга қул теккизмай ип ўтказинг, тешиксиз инжунинг қул теккизмай тешинг. Ниқобилларнинг қайсылари эркак ёки аёл эканлигини аниқланг. Товоқларга ғойибдан сув тўлдириг аммо ер юзи сувидадан бўлмасин. Отларнинг қайси қулунли ва қулунсиз эканлигини аниқланг. Бир қутча юбордим. Оғзини очмасдан ичидаги нималигини топинг. Шунда сизнинг пайғамбарлигингизга ишонамиз».

Алқисса, Худхуд улардан олдин келиб, ҳазрат Сулаймонга хабар берди. Ҳазрат Сулаймон элчиларни шон-

шавкат билан кутиб олиш режасини туздилар. Тўрт фарсах<sup>1</sup> ерни майдон қилиб, олтин, қумуш билан қопладилар. Тўрт юз отни жавохиротлар билан безаб, занжирлар билан бу майдонга боғлаб қўйдилар. Минг кишига подшоҳона либослар кийдириб, олтин, қумуш гурзилар бериб, ясовул қилиб қўйдилар. Жами девлар ёнларида саф тортиб турдилар, қушлар ва ёввойи ҳайвонлар ҳам етиб келдилар. Ўн минг олтин курси, ўн минг қумуш курсини ҳозирлаб қўйдилар.

Билқис юборган элчилар келиб бу шону шавкатни кўргач, ҳайрат ва ваҳимага тушдилар. Мактубни ҳазрат Сулаймонга топширдилар. Ҳазрат Сулаймон хатни ўқиб кўргач, тешиксиз инжуга куяни юборди. Шу заҳоти у тешик очди. Тешикли инжуга қизил қуртни буюрдилар. У ип ўтказди. Булутдан ёмғир ёғиб, товоқларни тўлдирди. Қул ва қанзақларга ерга ўтиринглар, деб буюрган эдилар, аёллар

## Носируддин РАБҒУЗИЙ

ПАЙҒАМБАРЛАР  
ҲАЁТИДАН

бошқача ўтирди. Шундан уларни ажратдилар. Отларни чоптирган эдилар, қулунли бияларни дарҳол тер босди. Бунни ҳам аниқладилар. Қутчаннинг ичидаги нарсани ҳам айтдилар. Элчилар олиб келган барча инъом-эҳсонларни ўзларига қайтардилар.

Сулаймон алайҳиссалом айтдилар: — Билқисга<sup>3</sup> бориб айтинглар, бу ерга келиб, имон келтирсин. Тагин ҳам яхшироқ ва кўпроқ иззат кўради. Бўлмаса тахту бахтидан умид узсин. Билқис элчилардан барча гапни эшитгач, ўзи ҳазрат Сулаймон ҳузурларига бормоқчи бўлди. Тўрт туяга олтин-қумуш юклаб, оқ уйлар, байроқлар, ноғорау сурнай билан беҳад лашкар ҳамроҳлигида йўлга чиқди. Худхуд улардан олдин келиб, ҳазрат Сулаймонга хабар берди. Ҳазрат Сулаймон ҳам барча шон-шавкатларини намойиш этадиган даражада ҳозирлик кўрдилар. Эртаси куни Билқис шаҳарга етиб келди. Ҳазрат Сулаймоннинг шону шавкатини кўриб ҳайрон қолди.

— Эй, Билқис, ниқобингни очгин,— дедилар ҳазрат Сулаймон.

Юзидан ниқобини олган эди, чиройда тенгсиз бир қиёфа намоеъ бўлди. Ҳазрат Сулаймон айтдиларки, «Эй, Билқис, Худои таоло сенга давлат, иззат ва неъмат берибди. Билмасдан қуёшга сажда қилганинг нимаси?»

Билқис гумроҳлиги учун тавба қилди. Шундан кейин ҳазрат Сулаймон қирқ кечау-кундуз тўй-томоша қилиб, Билқисни ўз никоҳларига олдилар.

## ҚОРУН ҲИКОЯСИ

Қорун — Мусо алайҳиссаломнинг умматларидан эди. Кимёгарликни ўрганиб, бойиб кетган, кофирлик йўлига кирди. Ниҳоятда хасис эди. Бирор кишига хайру саховат қилганини ҳеч ким кўрмаганди.

Бир куни ҳазрат Мусо бир биёбонда кетаётган эдилар. Йўлда бир гадо учради.

— Мен ниҳоятда камбағалман, болаларим кўп, ейишга овқатим йўқ,— деб Мусога ёлворди.

— Ундай бўлса, биёбондаги тошларни йиғиб куйдиргил, олтин бўлади,— дедилар Мусо.

Гадо бу сўзларни эшитиб, биёбондаги тошларни йиғишга киришди. Бунни кўрган Қорун гадодан сўради: — Бу тошларни жамлаб, нима қилмоқчисан?

Гадо бўлган воқеани ва Мусонинг гапларини айтиб берди.

— Тошнинг олтин бўлганини ҳеч

кўрганмисан,— деди Қорун.— Мусо сенинг кўнглингни хотиржам қилиш учун ёлгон сўзлабди.

У шундай деб гадога тўққизта нон берди. У хурсанд бўлиб, уйига югуриб кетди. Қорун эса қулларига буюриб, барча тошларни йиғдирди. Тагиндан ўтин қалаб, олов ёқди. Ҳаммаси қуяиб, қир-қизил олтинга айланди. Қарийб етти ойгача бу олтинларни уйига ташиди. Ниҳоятда бойиб кетди. Тўрт минг қул сотиб олиб, ҳаммасига қийим, от, озиқ-овқат, уй қилиб бериб, савдогарликка юборди. Дунё юзида одамга нимаки керак бўлса, ҳаммасини ғамлаб қўйди. Олтинни ҳам қирқ уйга шифти билан барбар қилиб тўлдириб қўйди. Қирқта қул хазиначилик қиларди. Хазинанинг қалитини эса қирқта филга юклаб, ўзи билан олиб юрарди. Аммо бирор кишига бир парча нон бермас, ҳатто ўзи ҳам бир парча нон ортиқ эмас эди. Уларнинг ҳам бир гиштани тиллодан,

дида обрўйингизни тўкишимни тайинлади. Мен сизга қандай қилиб бўҳтон сўзларини айта оламан. Арзимаган олтин деб, имонимдан ажралайми?

Мусо бу сўзларни эшитиб, аёлга таҳсин айтдилар. Қорундан эса ниҳоятда дарғазаб бўлдилар.

Аллоҳ таолодан хитоб келди: «Эй, Мусо, айтгин. Қорун мол-дунёсининг ярмини дарвешларга закотга берсин». Бу сўзларни Қорунга айтдилар. Қорун эса мағрурлик билан деди:

— Мен сенинг Тангридан ҳеч нарса олганим йўқ, у ҳам мендан ҳеч нарса тиламасин.

Яна фармон бўлди: «Мол-дунёсини тўрт хисса қилиб, бир хиссасини етимларга берсин». Бунни ҳам қабул қилмади. Қулоғига ғафлат пахтасини тикиб, тобора кибрланиб борарди. Мусо алайҳиссалом дарғазаб бўлиб: «Эй, ер ютуғур»,— дедилар. Шу замон Қорун ўтирган тахтига ларза тушиб, ерга ки-

бир гиштани қумушдан ясаган, деворларига эса жавохирдан зеб берганди. Агар йўлга чиқса, ўзи хачир миниб олар, тўрт минг қул олдинда юрар эди.

Бир куни Мусо алайҳиссалом Қорунга танбех бериб:

— Бу зару зевар молларингга кўп мағрур бўлма. Худои таоло сенга яхшилик қилди. Сен ҳам унинг бандаларига яхшилик қил!— дедилар.

— Эй, Мусо,— деди Қорун алайҳилаъна — Мен бу молларни ўз ақлу фаросатим билан топдим. Уларда ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Алқисса, бир куни Мусо алайҳиссалом ваъз айтаётган эдилар. Қорун рўпараларида олтин курси устида ўтириб, Мусо алайҳиссаломни мазҳаб қилар эди. Олдиндан бир аёлга озроқ олтин бериб, Мусо ваъз айтаётганларида бориб, уни бадном қилишни ҳам тайинлаганди. Аёл дастлаб рози бўлган бўлса ҳам, кейинчалик бу қароридан қайтди.

— Эй Мусо,— деди бу аёл,— Қорун сизга бўҳтон қилишимни, эл ол-

қилди. Ер тиззасигача ютди, шартни қабул қилмади. Охири бўзигача ютганда, шартни қабул қилдим», деди. Ерга «қўйгин» дедилар. Ер қўйиб юборди. Қорун чиқиб, молининг қирқдан бирини сарҳисоб қилди, ер юзини мол қўй ва йилқилар тутиб кетди. Буларни кўриб Қоруннинг яна зикнаниги тутиб кетди. «Бермайман», деб туриб олди. «Мол аччиғи — жон аччиғи» деган нақл бежиз эмас экан.

Мусо алайҳиссалом ғазаб билан «Эй, ер, ют!»— дедилар. Қорун таом тахту бахту саройлари билан ер қаърига кириб кетди.

Алайҳилаъна — унга лаънатлар бўлсин.

Носир МУҲАММАД тайёрлади.

## ● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

## ҲИКМАТ

*Эй дўстларим, йўсам мен, билмамки ҳолим на бўлур,  
Гўрга кириб ётсам мен, билмамки ҳолим на бўлур.*

*Элтиб лаҳадга қўйсалар, орқага боқмай ёнсалар,  
Сўруғ-саволим сўрсалар, билмамки ҳолим на бўлур.*

*Қирса Қариш отлиқ йилон, чўлғонса танга шул замон,  
Қолмас бутун бир устихон, билмамки ҳолим на бўлур.*

*Жумла йиғилиб мўру мор, атрофимда ниш урар,  
Мушқул эрур бас қору бор, билмамки ҳолим на бўлур.*

*Ҳеч келмади мендин савоб, онда на бергумдур жавоб,  
Гар қилсалар юз минг азоб, билмамки ҳолим на бўлур.*

*Бўлса қиёмат куни, ҳозир бўлур барчалари,  
Қилган амалларинг қани, билмамки ҳолим на бўлур.*

*Эй Қул АҲМАД, сен букун қилгил ибодат тун-кун,  
Демагил умримдур узун, билмамки ҳолим на бўлур.*

<sup>1</sup> Мағриб — ғарб.  
<sup>2</sup> Машриқ — шарқ.

<sup>1</sup> Фарсах — қадимги масафа ўлчов бирлиги. 6—8 км.га тенг.

## ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

### САБЗИ

Сабзидаги каротин маддаси киши организмда А витаминга айланади. А витамин кўз нури учун, терининг силлиқ ва чиройли рангда бўлиши учун, бўйнинг ўсишида фойдалидир. Агар сабзи сарғегеки қаймоққа қўшиб истеъмол қилинса, каротин моддаси кўпроқ сингиллиқ бўлади. Қуруқ ўзи ейилса камроқ сингади.

Қадимгилар асалга солиб қўйилган сабзини дори ўрнида ишлатганлар. Асалда турган сабзи қимматли витаминини йўқотмайди. Рус олими Б. П. Томин айрим сабзавотларда зарарли микробларни қирадиган модда — фитонцид борлигини аниқлаган. Бу модда сабзи, пиёз ва саримсоқпиёзда мавжуд. Ай-

ниқса сабзининг нохуш ҳиди йўқ. Мунтазам еб туринг. Бўйрак, юрак-қон томирлари, камқонлик касалликларига чалинганларга наф беради. Бу фойдали сариқ витаминки болаларга тез-тез бериб туринг.

### САРИМСОҚПИЁЗ

Саримсоқпиёз таркибида углеводлар, касаллик тарқатувчи микробларни ўлдирувчи эфир мойи борлиги ҳаммага маълум. Шунингдек бош оғриб турганда чаккага қўйилса таққа тўхтабди. Тумовнинг олдини олиш ва даволаш учун янги узилган саримсоқни қирғичдан ўтказиб ейлади ва шу билан бир вақтда унинг шарбати бурун-га бир кунда 3 маҳал 2-3 том-

чидан томизилади. Бундан ташқари вермишел қайнатилиб, иссиқда саримсоқпиёз билан ейлади. Японларнинг фикрича, саримсоқпиёз шамоллаш асоратларини кетказувчи ажойиб терлатувчи маҳкамдир. Саримсоқпиёз, пиёз ва асалдан тайёрланган аралашмани «қувватни сақлашнинг сибирча омилли» деб ҳисоблашади.

Ун бир бўлакча саримсоқпиёз ва бир ўртача катталиқдаги пиёзни бир литр сутга солиб юмшоқ ҳолатга келгунча қайнатинг. Сўнгга қайнатмани сузгичдан ўтказиб унга асал аралаштиринг. Аралашмани ҳар овқатлангандан олдин истеъмол қилиб борсангиз тез кунда шамоллаш асоратларидан фориғ бўласиз.

ДИЛБАР тайёрлади

## Дераза

### РУС ГИМНАСТИКАЧИСИНИНГ БАҲОСИ БАЛАНД

Туркия газеталари Москвада ўқувчиларга гимнастика тарбиясини берган 23 яшарли Елена Морозованинг бир кечага 3 миллион турк лираси олиб, ўзини «сотганлигини» шош қилди. Туркияга келгач, хусусий гимнастика салонларида ишлаб топган пулига қаноат қилмаган хушсуврат муаллима Морозова қулай ва кўп пул келтирадиган йўлни танлади. Гузал ва маданиятли эканлиги учун ўз баҳосини шу қадар оширганлигини таъкидлаган Елена, кўпинча пулдор ва бюрократ эрактлар билан бўлганлигини эътироф этди.

### ГОРБАЧЕВ СИЁСАТГА ҚАЙТАДИ

Атина Университети Сиёсий Билимлар факултасининг таклифи билан Юнонистонга келган собиқ СССРнинг сўнгги Президенти Михаил Горбачев, такрор сиёсатга қайтиши мумкин эканлигини билдирди. Борис Ельцинни танқид қилган Горбачев, собиқ Совет Республикаларини қайтадан бирлаштира олиши даъвоида бўлди. Русияда кечикмасдан сайлов йўлига ўтиш кераклигини айтган Горбачев сиёсатга қайтиш-қайтмаслиги ҳақидаги энг одил қарорни халқнинг ўзи беришини таъкидлади.

### ЖИЯНИ АЛИЕВНИ УЙЛАНТИРМОҚЧИ

Озарбайжон Олий Кенгаши Раиси Ҳайдар Алиевнинг жияни, Нахичеван ЗАГС бўлими мудираси Санифа Суллонова «Тоғамнинг никоҳини қиймасдан туриб, пенсияга чиқмайман. Унинг ҳозир, ҳеч шубҳасиз, бир дилбар аёлга эҳтиёжи бордир» деди. Сиёсий ҳаётдаги муваффақиятларнинг яхши бир умр йўлдоши билан яна ҳам ортишига астойдил ишонган Санифа хоним, Туркиянинг «Хуррият» газети муҳбирига берган интервьюсида қуйдагиларни таъкидлади: «Тоғам Ҳайдар Алиев ўн йил бурун янгамиз Зарифа хонимдан айрилди. Озарбайжон Олий Кенгашининг Раиси бўлгунга қадар унинг уйланиши йўлида қилган ҳаракатларимиз зое кетди. Ҳозир, Озарбайжон халқи манфаати йўлида жуда катта масъулиятни елкасига олган бир пайт, садоқатли бир аёл унга жуда ҳам зарур. Шунинг учун ҳам мен тоғамнинг никоҳини қиймасдан пенсияга чиқолмайман».

Пахлавон СОДИҚ, Туркия

## Илоҳий ҳадислар

Абу Ҳурайра (ФА)дан ривоят қилинишича, Расули Акрам (САВ) Афандимиз шундай буюрдилар: Азиз ва жалил бўлган Аллоҳ буюрдики:

«Мен қудимнинг заннига (эҳтиқодига) кўра мавжудман. Мени зикр этган жойда мен у биланман. Раҳматим, тавфиқ ва иноятим у билан биргадир».

Анас (ФА)дан ривоят қилинишича, Расули Акрам (САВ) Афандимиз жаноби Ҳақнинг шундай буюрганлигини билдирдилар:

«Йимон келтириб, яхши амаллар қилган қўлларим учун Жаннатда кўзлар кўрмаган, қўлоқлар эшитмаган ва ҳеч кимнинг кўнглидан кечмаган қанча неъматлар ҳозирладим».

Ибни Аббос (ФА) ҳазратлари ҳикоя қиладилар: Расули Муҳтарам (САВ) жаноби Ҳақнинг шундай буюрганлигини таълиғ этдилар:

«Қул, қиёмат кунинда қилган барча яхшиликлари ва ёмонликлари билан бирга олиб келинади: Яхшиликлари ва ёмонликлари бир-бирига солиштирилгандан кейин бир хасанаси (яхшилиги, афзаллиги) қолсагина уни жаннатга йўллайман».

Валлоҳи Аълам Биссавоб.



С. МУСАЕВ сурати

## Табриклаймиз!

Ҳурматли укам АСРОБ-ЖОН!

13-ноябр туғилган кунинг билан қутлайман. Сенга сизхат саломатлик, бахт саодат, уқши ва ишларингда улкан ривож тилайман. Ҳаётинг доимо қувонч, шодликка тўласин, деб аканг САЙФИДДИН. Термиз шаҳри.

\* \* \*

Ҳурматли умр йўлдошим ГУЛШОДАХОН!

15 ноябр таваллуд айёминг муборак. Сенга чинор каби узоқ умр, уйимизнинг бундан да гузал фаршчаси бўлишингни, нимаки ният этган бўлсанг барча-барчасининг вожиб бўлишини тилайман. САЙФИДДИН, Термиз шаҳри.

Отажонимиз МУРОДУЛЛА ЮСУПОВ! Қутлуғ 55-ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, хушчақчақлик ва соғ-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга ҳаммаша омон бўлинг, деб ЮСУПОВЛАР оиласи.

\* \* \*  
Жажжи қизалоқ ДИЛШОДА!

Туғилган кунинг муборак. Меҳрибон волидангнинг бахтига ақлли-одобли ва ҳаёли-иболи фарзанд бўлгин. Оллоҳдан сенга бахт тилаб бўлаларинг номидан НУРБЕК ЭШТЕМИР УҒЛИ.

Шаҳрисабз,  
Саксонкапа қишлоғи.

## Оила 55 ЁШДА

Тошкент шаҳрида катта участкада армия ёшидаги ўғлим билан тураман. Хотиним вафот этган. Касбим — оддий ишчи. Маълумотим ўрта. Бекор пайтларимда хўжалик ишларига қарашли яхши кўраман. Ичмайман, чекмайман. Узун тунларда меҳрибон ҳамроҳ, оиламизнинг фариштали бекаси бўла оладиган аёл билан ҳаётимни боғлаб, болаларимизнинг бахтини кўрсат дейман. «Оила-257»

## 65 ЁШДА

Турмуш ўртоғим вафот этган. Фарзандларим ҳаммаси ўзидан тиниб-тинчиб кетган. Яшаш шароити қулай бир хонали уйда Тошкентнинг Чилонзор туманида тураман. Мўъмин-муслмонман. Кексалиқда ёлғиз қол-

моқликдан аянчили азоб йўқ экан. Агар 45-60 ёшлар атрофидаги аёл билан бирга яшаб, қолган умримни, борлигимни унга бағишласам у дунё бу хурсандман. «Оила-258»

## 32 ЁШДА

Хоразмликман, Тошкентда яшаб, заводда ишчи бўлиб ишлайман, сиртдан олийгоҳда таълим оламан. Виждонли, тўғрисўзман, тушунадиган [битта боласи бўлса ҳам майли] қайси вилоятдан бўлса ҳам 18-30 ёшгача бўлган қиз ёки аёл билан оила қуриб, тинч-тобув, бахтли-саодатли яшамоқчиман. «Оила-259» хатларингизга кутади.

## 47 ЁШДА

Мен ҳаётимда энди ўтмишимни қайта такрорланганини истамайман. Шунинг учун мени тушунадиган инсонни излаб топшига ҳаракат қилман. Узим ҳақимда: Тошкентликман. Касбим-меъмор, олий маълумотли, уйланиб ажрашганман, фарзандларим

тўртта, уларга алимент тўлаб тураман, болаларни яхши кўраман. Оиласининг тинчини, фарзандларининг келажагини уйлаган 40 ёшгача бўлган уй бекаси бўлса, оила қуриб бахтимни топшишни истайман. «Оила-260».

## ИЗОҲ

Бозор иқтисоди ҳамма соҳада ўз таъсирини кўрсатиб турган паллада бирор ёқда борниш, бировнинг кўнглини олиш ҳам оғир бўлиб қолди. Шундай ҳолатга тушиб қолсангиз ҳеч ўйланманг, ҳикоят чекманг. Биз сизнинг яқиндан кўмақдорингизмиз. Сиз кимдир табрикламоқчисиз, тўйлари билан қутламоқчисиз ёки газетамизда берилиб борилаётган таншун эълонлари сизга қизиқиш уйғотса, таншун истаги туғилса, уй-рўзгор анжомларини сотиш, алмаштириш, тақчил дориндорликларни олиш, сотиш фикри туғилса, бизга мактуб жўнатилишигиз ёки 39-43-95 номерга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Харажат пулини «Оила ва жамият» газетасига деб йўлланг. Манзилимиз: Тошкент-29, Мустақиллик майdonи, 1-бино.

Абдулла Қодирийнинг ижтимоий қарашлари ҳақида сўз кетганда, уни кўпхотинликка қарши деб гапиришди ва бунга ёрқин мисол қилиб ёзувчининг энг юксак асари — «Ўткан кунлар»ни келтиришди. Қодирийнинг жадидлардан бўлгани, қолаверса, ўша давр зиёлилари кўпхотинликка қарши бўлганликларидан уни ҳам улар қаторига қўшиш мумкин деган, лекин бунга (яккахотинликка тарафдорлигига) «Ўткан кунлар»ни мисол қилиб кўрсатиш, бизнингча, тўғри эмас. Бир томондан олиб қараганда, ёзувчи кўпхотинликка қарши ғояларини Ҳамид образи орқали ҳам ифодала-

қилиб вояга етказар экан, фарзанди улғайгани сари унинг орқасидан келадиган орзу-ҳаваслари ҳам улғайиб боради. Отабекчасига йўл тутишни эса Ўзбек оймга ўхшаган аёлларгина эмас, бошқа тоифадаги ота-оналар ҳам ҳазм қилолмайдилар.

Назаримизда қайнона-келин доим бир-бирига душман, бири бирини кўришга кўзи йўқ кишилар. Лекин, аслида қайнона-келин ўртасида шундай нозик туйғулар, муносабатлар бўладики, бу нарса доим бизнинг назаримиздан олиб қараганда, келиннинг қиладиган хизмати, унинг қўлидан бир пиёла чой ичиш қайнона

бўлган марҳаматларини бир оз тугаллай олмайдилар. Аммо каминалари бу хусусдаги айбни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз, зероки бизнинг бошимизда бўлган «ёлғиз туёқлик» савдоси сизнинг бошингизда ҳам бордир... Биродари киромми, сиз дунё кўрган кишисиз, онасининг бу талабини хўп мулоҳаза қилиб кўринг!» каби ғоят андишали ва ҳақ сўзларига қарши бориш ҳаётини кўра билмаслик, калтафаҳмлиқ бўлар эди.

Шундай қилиб, Офтоб ойм ҳам, меҳмонхонадаги куч бурчаклик ўл-

ҳам уни маҳкам кучоғлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб айланиб, ўргилар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлар эди».

Ёзувчининг оддий ва сирлигина қилиб «нима учундир йиғлар эди» дейишида жуда кўп маъноларни илғаш мумкин. Ўзбек ойм бу ерда Кумушнинг чиройи, латофатини кўриб йиғлаётгани йўқ. Бу йиғи соғиниб юрган кишининг ҳам йиғиси эмас. Ўзбек оймнинг қалбида Кумушга нисбатан фавқулодда уйғонган ўта олий марҳамат ва меҳр унинг кўзларида ёш бўлиб ифодасини топаётган эди. Ўзбек ойм кечикиб бўлса-да ўз хатосини англайди. Лекин биз у тутган йўлни хато дейишдан йироқмиз.

Инсон ҳаёти мезонлари жуда тор экан. Ҳатто ҳаётнинг энг нозик нуқталарини илғай олган машойихларнинг «ҳаёт ўзи шу экан-да» дейишида чуқур маънолар борлигини англагандай бўлсан киши. Уста Алим ва Саодат фожеасига бирон бир сабаб кўрсата олмаганимиздек, Отабек ва Кумуш фожеасига ҳам, юқоридаги мулоҳазалардан кейин аниқ сабабини рўқча қила олмаймиз. Шу пайтгача фожеанинг сабабини қилиб кўрсата келинаётган Зайнаб эса бир баҳона бўлиши мумкин холос. Демак, сабабини бошқа ердан қидириш керак. Бу эса алоҳида мавзу. Ҳозирча хулосамиз шу:

Дунё асли бир кам... Офтоб оймга қиз иккита қилиб берилмаганидек, Отабек ҳам Ўзбек оймнинг ёлғизи эди. Қолаверса, шодлик билан қулфат, бахт билан бахтсизлик доим ёнма-ён юради. Шодлик ва бахт қанчалик катта бўлса, уларнинг ёнидаги қулфат ва бахтсизлик ҳам шунча катта бўлади. Бу оддий ҳаётнинг ҳақиқат ва қонуниятидир.

Ғафур УМУРЗОҚОВ

## ЯНА «ЎТКАН КУНЛАР» ҲАҚИДА

ган — бу ёзувчининг фикри. Бунга ҳамфикрлик роман воқеаларига ёзувчи мавқеидан туриб қараш бўлади. Биз эса роман воқеаларига ҳаётнинг нуқтаи назардан қарашга ҳаракат қилдик.

«Ўткан кунлар»ни қайта варақлаб чиқганимизда шунга амин бўлдики, бу — ҳаёт эҳтиёжи, ҳазимат климатиз тўла қамраб ололмайдиган хилма-хил қонуниятларга эга бўлган инсон ҳаёти талаби экан. Сўнгги мукамал дин бўлган ислом динида кўпхотинликка (4 тагача) руҳсат берилишининг илдизини қиргин-баротларда эркакларнинг аёлларга нисбатан жуда кўп қирилиши, ҳамиша ўғил болалардан кўра қизларнинг кўп туғилиши ва бунинг натижасида ҳаромдан қочиб, миллат поклигини сақлаш йўлидаги уринишларда кўрамаиз. (Бизнинг ақлимиз этганича чиқарган хулосамиз шу, яна қанча ҳикматлар борлиги ёлғиз Оллоҳга аён). Кейинги асрларда эса бу нарса бой-бадавлат кишилар учун оддий бир қонуниятга айланиб борди, яъни маълум бир тоифа одамларнинг онгига худбинлик деган нарса сизиб кирдики, бу билан ҳаётнинг эҳтиёжларини қондириш эмас, балки дунёда онадек буюк номга сазовор бўладиган аёл-оғизларнинг шаън-ғурурини топташ орқали ўз нафсиларини қондириш бўлиб қолди. Буни англаган миллат тараққиёти йўлидаги фидойилар бу масалага бошқача кўз билан қарашлари мумкин эмас эди.

А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ига қайтадиган бўлсак, Отабекнинг Зайнабга уйланиши билан юқорида тилга олиб ўтилган тоифанинг ёки Ҳамиднинг уйланиши ўртасида катта фарқ бўлиб, бу оддий ҳаётнинг эҳтиёждан-дир. Бу эҳтиёжнинг қанақалиги асардаги Ўзбек ойм образи таҳлилида яққолроқ кўринади.

Олдин Ўзбек ойм образига биров тавсиф бериб ўтсак: «Ўзбек оймнинг ўткирлиги ёлғиз эригагина эмас, Тошканд хотинларига ҳам ибрат эди. Узга хотинлар унинг соясига салом бериб, тўйларида, азаларида, қисқаси тиз эткан йиғинларида уларнинг тўрини Ўзбек оймга атар эдилар...»

Ўзбек ойм унча-мунча тую азаларга «кавшим кўчада қолган эмас» деб бормас эди. Шунинг учун хотинлар тўйларини Ўзбек ойм иштироки билан ўтказиб олсалар, ўзларини шайхнинг энг бахтли хотинларидан санаб «амани тўйимни бек ойм ўз қўли билан ўтказдилар» деган жумлани мажлисларда ифтихор билан сўзлаб юрар эдилар. («Ўткан кунлар», 1992, 105—106-бетлар).

Мана энди бутун шаҳри азимда жуда катта обрўга эга бўлган (жоиз бўлса, иззатталаб) бир аёлнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсак, «бугун-эрта ўғлумнинг орзу-ҳавасини кўраман, деб энтикиб ўлтурган ва ўғул боқиб катта қилган она» яқнаю ёлғиз дилбанд «аллакчиларнинг қўлида, асли но-маълум кишиларнинг қизига» уйланиганини эшитиб қанақа аҳволга тушишини биров тушушган бўлар эдик. (Бунинг устига келиннинг Марғилонда қолиши шарт билан).

Ҳар бир ота-она фарзанд тарбия

ушун шундай бир бахтки, хизматкорлари-ю ўзи туққан қизлари унга бу лаззатни бера олмайдилар. Келин-куёв дастлаб бир-бирига қанчалик азиз бўлса, қайнона учун келин ҳам шунчалик азиз.

Бу мулоҳазалардан кейин Ўзбек оймни ҳеч бир камсита олмаймиз. У қанчалик киборли, обрўли, бир сўзи бўлмасин, ичи шалдир-шулдир, кўнглида борини ҳеч яширмай тўкиб соладиган хотин. У ўз орзу-ҳаваслари, эҳтиёжи, табиати, тутган мавқеидан келиб чиқиб, бошқача йўл тутиши мумкин эмас эди. Ўзбек ойм керак деб билган Отабекнинг Зайнабга уйланишини биз ҳам ҳаётнинг оддий тақозоси дебми, талаби, эҳтиёжи, ёки қонуният дебми билишимиз керак.

Биз бу ўринда Отабекни ҳам айблай олмаймиз. У фақат битта хотин билан яшайман деган бўлса, Кумушга бўлган чексиз муҳаббатидан. Қолаверса, Кумуш ҳам бу чексиз муҳаббатга аризулик мафтункор, «жодугар» қиз эди. Лекин, Ўзбек оймнинг наздида Кумуш қанақа ўрин тутганлиги ўқувчиларга маълум.

Ўзбек ойм «ўткирлиги»га қарамадан жиддийроқ масалаларда Юсуфбек ҳожининг мулоҳазакорлиги, донолиги билан тарбия қилиниб турилса-да, Юсуфбек ҳожи хотинининг раъйига бу масалада қарши боролмайди: Отабекни Зайнабга уйланишга рози қилади:

— Уғлум, бизнинг сандан бошқа умид нишонимиз, ҳаёт қувончимиз йўқ. Дунёда кўриб ўтатурган барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сангагина қараб қолган... Айниқса онангнинг санинг туфайли кечиратурган умидлари тобора ортиб борди. Бу кун онанг санинг олдинга тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам ораға тушиб сандан сўраймиз: сан ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг санга муборақ бўлсин... Шу билан бирга санинг сабаби вужудинг бўлган бир киши ўз ҳаёти ичиде боласи орқалиқ бир орзу-ҳавас кечирмакчи. Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми, яна ихтиёр ўзингда...

Юсуфбек ҳожининг донолик ва фаоҳат билан айтган бу сўзлари энг юксак нарса — «сабаби вужуд бўлган» кишилар — ота-она ҳаққини адо этиш ҳақида борарди, шу вайждан, гарчи «унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми, яна ихтиёр ўзингда» дейилса-да, бу сўзларнинг фарзанд томонидан рад этилиши ақл, ахлоқ-одоб ва ҳаёт мезонларига тўғри келмас эди.

Отабекнинг ота-оналари ҳаққини адо этишлигини Кутидор ҳам лойиқ толади. Чунки Юсуфбек ҳожининг қудасига ёзган мактубидеги «...Бизнинг шул Отабекдан бошқа фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдиратурган туёқимиз ва кўз тиккан орзу ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир. Шул ягона ўғлимизни фарзандликка қабул қилиб, аммо бизнинг келин болаимизни Тошкандга юбормаганлари бизнинг жанобларидан бўлган миннатдорлигимизни ва яна ўғлимизга

тириш»дан кейин Отабек ҳам оддий ҳаётнинг талаби олдиде буйин эгишга мажбур бўладилар.

Ўзбек оймда Кумушга бўлган меҳр у ҳали Тошкентга кириб келмасдан олдин уйғонади. Шу пайтгача миясини эгаллаб келган гина-қудраларнинг ўрнини ниҳоятда олий марҳамат ва меҳрибончилик эгаллайди. «Иззати учун шу ўйни бўшатиб берамизми? Биз тўрдаги уйга кўчиб ўтсак ҳам бўладир. Ахир теги нозик...» деб жой танлашга тушади. Уша кундан бошлаб унинг Зайнабга бўлган эътибори камаё бошлайди. Ўзбек оймнинг Кумушни кўргандаги ҳолатига ҳам эътибор берайлик: «Кумуш салом берди ва қўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Ўзбек оймнинг кучоғига олди. Ўзбек ойм



Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА

## ДЎСТЛАРГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА • БЎЛИШ КЕРАК •

Муҳтарам қизлар! Сизнинг-да ўзингизга кўра дўстларингиз, йўлдошларингизни бордир. Дўстларингизни кўпроқ яхши ҳулқ шиб-лармонларидан сайлангиз. Чунки жўнсиз йўроқдан одамга жўнсизлик келур. Яхшилар билан бирга юрмак эздуликларни келтирадир. Одамнинг ўлчов белгиси бира юрган кишилардир.

Дўстларингизнинг шодлигига шодланмак, қайғуси-ю, ҳасратларга шерик бўлмак, ҳар вақт уларга яхши ниятда бўлмак лозимдир. «Ўзингиз қилишни истамаган нар-

сани бошқаларга ҳам қилдирмасангиз» деган сўз бу тўғрида сизга қисқа, лекин тубли — негизли бир йўл кўрсата оладир.

Дўстларингизга қарши аччиқ, ўпка, кунчилик каби ноҷор ҳолларга кириша кўрмангиз. Ҳатто ҳеч бир кишига бундай ишлар ва тақабурлик кўрсатмангиз. Ҳар қил бир-бирига одамийлик, инсонийлик лозим бўлган доирада кўркам ишлар билан инсоният қадрини кўрсатишга тиришмак лозимдир.



— Бунинг тури хилма-хил. Кўп ҳолатда эндигина турмуш қурган келин-куёв бир-бирига анча пайтгача яқинлаша олмастан юради. Баъзида аёлларнинг ҳайз кўриши бузилади. Ҳомиланинг ривожланиши тўхтаб қолади ва хотинларнинг «ич ташлаши» каби бахтсиз ҳодисалар юз беради. Бордию, аёлнинг ҳомиласи ривожланиб бола туғилганда ҳам унда қандайдир нуқсонлар учрайди, жисмоний заиф бўлиши мумкин.

Эркакларда эса кўпинча простатит безининг яллиғланиши кўпроқ учрайди. Бу ўз-ўзидан туғилажак зурриёларга таъсир қилмасдан қолмайди. Касаллик ва уни даволаш юзасидан шунини айтишим мумкинки, бундай хас-

— 99 фоиз уларнинг орзусини амалга ошириб бўлмайди. Кўпинча заҳарланганлар ҳам умрбод бефарзанд бўлиб қолади.

— Бефарзандликка асосан эркаклардаги бетоблик сабаб бўладими ёки аёллардаги?

— 60 фоиз ҳолатда аёлларнинг дарди, 40 фоизда эса эркакларнинг айби сабаб бўлади.

— Узингизга ҳам маълум, кейинги пайтда оилалар ўртасида ажримлар кўпайиб кетди. Буни шахсан сиз қандай изоҳлайсиз?

— Унинг 40 фоизига сабаб эр ёки хотиннинг бир-бирдан қоникмаслигидир.

— Айтингчи, сизнингча оилада неча фарзанд бўлгани маъқул! Ёшлар асосан неча ёшдан турмуш қурса фойдадан холи бўлмайди!

— Фарзанд масаласида шунини айтманки, худо берганини тарбиялайверган маъқул. Ота-она соғлому, оиланинг иқтисодий шароити яхши бўлса, фарзанднинг кўпи зарар қилмайди.

Ёшлар, асосан, қизлар 19—20, йигитлар 24—25 ёшда турмуш қургани маъқул.

— Фарзандсиз оилалардаги айрим аёлларни сунъий уруғлантириш йўли билан ҳомиладор қилишади, деб кўп эшитганман. Шу тўғрими!

## НЕЧА ЁШДА ТУРМУШ ҚУРГАН МАЪҚУЛ?

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИЛМҒОҲИ ДИРЕКТОРИ,

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ КОМИЛЖОН ЙЎЛДОШЕВ БИЛАН СУҲБАТ.

— Комилжон ака, билишимча, сизлар асосан инсон пушти, мижоз ва бефарзандлик касалликлари ҳамда фоҳишабозлик туфайли келиб чиқадиган турли хил хасталикларни даволаш билан шуғулланасизлар. Бир оғиз қилиб айтганда бу борада юртимиздаги аҳвол қандай!

— Умумий қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирча бутун ер юзида ушбу касалликларнинг 20 тури мавжуд. Шулардан 10 хили мамлакатимизда учрайди. Бироқ айни паллада бизга мурожаат қилаётганларнинг аксариятида бу дардлар мутлақо оғир эмас. Ҳаммаси ўткинчи хуружлар. Узоғи билан 1 ҳафтада даволаб юборса бўлади.

— Бундай хасталикларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига асосан нималар сабаб бўлмоқда!

— Мусулмончилик қонун-қоидалари бузилди. Ёшлар тарбияси ичдан зил кетди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, таносил касалликлари ҳар 11—12 йилда бир марта авж олиб туради. Бу ҳам, албатта, касалликнинг кўпайишига бош сабаб бўлади. Шунингдек, фоҳишабозлик, ўз келажagini уйламаслик ҳам таносил касаллигининг ўсишига асосий туртки бўлиб хизмат қилади.

— Касаллик қандай намён бўлади? Демокчиманки, четдан кузатган одам сезиладими!

таликларга учрайдиганлар тушкунликка берилмасликлари ва ўз вақтида даволаниши шарт. Узоқ вақт мобайнида даволанмасдан юрган ёки ўз-ўзини даволашга ҳаракат қилишнинг оқибати умрбод фарзанд кўрмаслик ҳолатларига олиб бориши мумкин.

— Даволаш усулларингиз ҳамда қўлланиладиган дори-дармонлар ҳақида ўқувчиларингизга нима дея оласиз?

— Даволаш турли йўсинда олиб борилади. Дастлаб беморнинг физиологик томонлари ўрганилади. Сўнгра иложи бўлса жисмоний машқлар ҳамда нурлар орқали ҳам хасталикни йўқотиш мумкин. Қисқаси, хасталик инсон танасига чуқур илдириб кетмаган бўлса, уни қисқа кунлар ичида соғайтириб юборса бўлади.

— Тўғма бефарзандликни ҳам даволаш мумкинми!

— Балки йигит ва қизларимизнинг ҳали турмуш қийинчиликларига тайёр эмаслиги ҳам баҳона бўлаётгандир!

— Қисман. Ёш турмуш қурганлар иложи борича катталарнинг назоратида бўлгани маъқул.

— Кўпинча жинсий органи арзимаган касалликка учраган айрим кишилар анча вақтгача тегишли врачларга мурожаат қилишга қўрқиб юради. Гўёки исми «темир дафтарга тушади. Натикада хасталик тобора ривожланиб бораверади. Оқибати эса...

— Йўқ, бизда унақа «темир дафтар»лар йўқ. Беморни мурожаатини фақат тегишли одамларгина билади, холос. Бу ҳаммаша сирлиликча сақлади. Врачлар ҳеч кимга бетайин ахборот тарқатмайди.

— Шунақаси ҳам бор, албатта. Лекин мажбурий эмас. Ҳаммаси эр ва хотиннинг хоҳишига қараб амалга оширилади.

— Ёшингиз, унвонингиз ва оилангиз ҳусусида ҳам озгина маълумот берсангиз! Ҳар ҳолда газетамизнинг номи «Оила ва жамият».

— Ёшим 43 да. Асли тошкентликман. 6 фарзандим бор (2 қиз, 4 ўғил). Аёлим уй бекаси. 1981 йилда тиббиёт фанлари номзоди бўлганман.

— Суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош Мурод КАМОЛ

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ДИЕГО МАРАДОНА ЧАҚИРИЛМАДИ.

Футбол бўйича Ўзбекистон II чемпионатида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳимоячиси Муроджон Алиев уйланди. Келинпошшонинг исми Муқаддасхон. Тошкент шаҳридан, 17 ёшда. Шу муносабат билан Муроджоннинг оиласида катта тўй бўлди, аммо бунга жаҳон футбол қироли Диего Марадона таклиф қилинмади. Сабаби—«Пахтакор»чилар Диего билан улфатчилик қилмайди.

### ДИЕГО МАРАДОНА «СУРХОН»ГА ЧАҚИРИЛАДИ

Мамлакат чемпионати I лигасида тўп сўраётган Марғилоннинг «Атласчи» ҳамда Термизнинг «Сурхон» командалари мўддатидан олдин олий лигага чиқди. Агарда «Сурхон» келгуси йилда мамлакат чемпионлигини кўлга киритиш билан бирга кубокка ҳам эгаллик қилса «Оила ва жамият» газети уларга Диего Марадонани сотиб олиб беришни кафолатлайди.


### ДИЕГО МАРАДОНА ЧАҚИРИЛМАГАЧ...

Олий лига аъзоси бўлмиш Самарқанднинг «Динамо» командаси келгуси йилдан бошлаб биринчи лигага тушиб кетишга асосий даъвогарлик қилмоқда. Улар энг охириги ўйинни «Пахтакор» билан ўтказди. Диего Марадонанинг командага чақирилмаганлиги қимматга тушадиганга ўхшайди.

Хуллас, Муроджон уйланди, «Атласчи» ва «Сурхон» олий лигада, «Динамо»нинг ҳоли танг, Марадона эса Аргентинада яшаб юрибди.

### ФЭЛЛЕР МОДАДАН ҚОЛДИ

Бирлашган Германия чемпионатининг олий дивизионида қатнашаётган «Нюрнберг» командаси дарвозабони Андреас Кепке «Киккер» журнали ўтказган сўров натижаларига кўра мамлакатнинг 1993 йилги энг кучли футболчиси деб тан олинди. Бу сафарги сўровлар жаҳон чемпионлари Клинтман, Фёллер, Бримеларга қақшатқич зарба берди. Улар «аълочилар» сафида ҳатто иккинчи, учинчи ўринларда ҳам қолдирилмади. Умумий ҳисоб-китобларга қараганда Кепке 194 овоз олган бўлса, «Вердер» ҳамда «Айнтрахт» командаларининг аъзолари бўлмиш Херцога билан Йеобаларнинг бири 73, иккинчиси 64 овозга эга бўлган. Ҳамда Кепкедан кейинги икки ўринни эгаллаган.



С. МУСАЕВ сурати

Икки сайёҳ қадимий обидалардан бирини томоша қилиш ниятида бир-бирига маслаҳат солди.

— Сен ичкарисини кўриб чиқ, мен ташқарисини томоша қиламан,— деди биринчиси.

— Нимага энди?— таажубланди иккинчиси.

— Шундай қилсак вақтдан ютамиз-да!

— Уғлим,— деди ота телевизор кўриб ўтирган ўғлига,— бориб чилдирмадан уйга берилган вазифангни бажарсанг, эртага битта музқаймоқ олиб бераман.

Уғил елка қисди:  
— Кўшимизнинг айтишига қараганда, мен чилдирмадан уйга берилган вазифани бажармасам, иккита музқаймоқ олиб бераркан.

— Бир уй сотиб олмоқчиман,— деди биттаси дўстига маслаҳат солиб.— Катта бўлсин, катталигидан хотиним кун бўйи уй йиғиштириш билан овора бўлиб онасиникига боргани вақт тополмасин. Кичик бўлсин, кичиклигидан қайнонам бизни кичи кўчиб келолмасин.

Бир хасис хотинига қасд қилиб ўзини осиб қўйибди. Бу воқеадан ўз вақтида ха-

бар топган қўшнисига дарров арқонни кесиб уни қутқариб олибди. Хириллаганча бўйнидан арқонни оларкан, хасис қўшнисига бақарибди:

— Эй, номард, арқонни расво қилдинг, бунинг пулини ким тўлайди?..

Мирбаҳодир БАДАЛОВ

Эрталаб хотин эрига деди:  
— Тунги бўйи алақандай хотин билан гаплашиб чиқдингиз. Ким эди у?  
— И-я, сен қаерда эдинг?  
— деди эр талмоғеираб.

Эр телефонда кечроқ қайтишини маълум қилганди, хотини деди:

— Нима бало, ичиб олганмисиз?

Эр шошиб қолди.

— Қўйсанг-чи, симдан ҳам ҳиди борарканми?

Абдушукур УЛУҒОВ

Бир суварак оёғи осмондан бўлиб типирчилаб ётса, иккинчиси ачинганнамо сўрабди:

— Дихлофосми?  
— Йўқ, брейк данс!

Давронбек ИБРОҲИМ

ТЕГИРМОНДАН БУТУН ЧИҚҚАН ГАПЛАР

Бойларни ҳамма яхши кўради, ҳатто пул ҳам.

Сувдан қуруқ чиқиш тоза бўлиб чиқшдан афзал.

Машина сотиб олгандан кейин хотинни кафтда кўтариб юриш шарт эмас.

Пулнингизни ҳавога совурманг, шамол учуриб кетиши мумкин.

Вақтни тормози йўқ экан, жўра.

Машина бошқариш хотинни бошқаришдан осон.

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ  
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА,  
Юсуф ЗИЁД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

Улимдан кўра тиз чўкиб яшаш афзалмиш.

Коммунизмдан кейин ҳам яшаса бўларкан.

Ёмон нарсадан кўз юмсанг, яхши нарсани ҳам кўролмайсан.

Кимки тўқликка кўниккан бўлса, у доим оч бўлади.

Унг қўл билан фақат чап юзга тарсаки тортиш мумкин.

И.ЗОИРОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ИҮЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамиятдан» деб кўрсатилиши шарт.

Ақлингизни чархлашни истайсизми? Бунинг учун сиз берилган ҳар бир саволга «Ҳа», «Кулгили», «Йўқ» деб жавоб беришингиз даркор. Саволларга ишониб ёки ишонмаслик сизнинг хоҳишингизга боғлиқ.

1. Бировнинг оёғини босиб, сўнг кечирим сўраш одобданми!
2. Сурункали меҳнат таъсирида маймун одамга айланиши мумкинми!
3. «Пул сенга боқмаса, сен пул-

битта копток кўплик қилмайдими!

10. Ўз хатини ўзи ўқий олмайдиган боланинг пешонасига дўхтир бўлиш ёзилганми!

Ҳар бир «Ҳа» жавоби учун ўзингизга 0 (ноль) ачкў, «Кулгили» деган жавобга 1 ачкў, «Йўқ» деган жавобга 2 ачкў кўясиз. Агар, сиз тўғри жавобларингиз учун 13 ачкўдан юқори балл тўпласангиз, сиз ўта ақлли одамсиз. Қанчалик ақлли эканлигингиз эса саволларга қанчалик тўғри жавоб

АҚЛНИНГ ЧАРХИ

га боқ» шиори сизга ёқадими!

4. Тишга қўрт тушиши иқтисодга боғлиқми!

5. Нарх-навонинг ошиши озғинга қараганда семизга таъсири катта деб ўйлайсизми!

6. Радиода муаллифни сўрати билан чиқаришнинг иложи борми!

7. Насриддин Афанди бирорта институтни битирганми!

8. Қизлар сочини кесгани учун қайчи айбдорми!


9. Йигирма иккита футболчига

беришингизга боғлиқ.

Агар, сиз 6 ачкўдан 13 ачкўгача бал тўпласангиз, сиз ўртача ақлли одамсиз. Берган жавобларингизга қараб ақлингизни ўстириб бораверасиз.

Агар, сиз 6 ачкўдан кам балл тўпласангиз «Мен ақлсиз эканман-да» деб ҳеч ҳам афсус чекман! Нимагаки, мен ҳам сиздайман.

Уста КҮПАЛ



Муаллиф: Ш. СУБҲОНОВ

КУНЛАРДАН БИР КУН

Фаранг адаби Виктор Гюго Пруссия сафарига отланаркан, сўров варақасини тўлдираётган жандарма ундан сўради:

— Нима билан шуғулланасиз?

— Езиш билан,— деди адаб.

— Йўқ, сиз мени тушунмадингиз, мен айтмоқчиманки, тирикчилик учун зарур маблағни нима билан топасиз?

— Қалам билан!

— Демак,— деди жандарма жилмайиб,— «қасби» деган жойига «қалам билан савдо қилади» деб ёзиб қўямиз.

Буюк физик Эйнштейн кўчада танишини учратиб қо-

либди.  
— Жаноб Эйнштейн, сиз албатта янги пальто сотиб олишингиз керак,— дея маслаҳат берди таниши.

— Нега?— ҳайрон бўлди олим.— Ахир бу шаҳарда мени ҳеч ким танимайди-ку!

Орадан бир неча йил ўтиб улар яна учрашиб қолдилар. Эйнштейннинг устида ўша эски пальто. Таниши яна маслаҳат берди:

— Янги пальто сотиб олинг!

— Нима кераги бор?—деб жавоб берибди Эйнштейн.— Энди бу ерда шундоқ ҳам мени ҳамма танийди.

Тўпловчи: Даврон БЕК